

ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЯХЛИТ ОНЛАЙН ТИЗИМ ЯРАТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 14 сентябрь куни электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олиш ҳамда назорат қилиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Электр энергияси ва табиий газ ҳаёт ва иқтисодиёт учун жуда зарур ресурслардир. Бу тармоқлар инфратузилмаси узоқ йиллар модернизация қилинмагани сабабли уларни етказиб беришда йўқотишлар кўп эди. Ҳисоб-китобни жой-жойига қўйиш учун автоматлаштирилган тизимлар зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Хусусан, электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилган 7 та туман ва шаҳарда тўловлар ундирилиши 40 фоизга ошган, дебитор қарздорлик эса 20 фоизга қисқарган. Ушбу тизимни мамлакатимизнинг барча ҳудудларида татбиқ этиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланган.

Йиғилишда электр энергияси ҳамда табиий газни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимларини тўлиқ жорий этиш масалалари муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, бу мақсадлар учун қарийб 1,2 миллиард доллар маблағ йўналтирилмоқда.

Бу маблағларнинг натижадорлиги ва қайтими фақатгина ҳисоблагичларни ўрнатиш билан ҳал бўлиб қолмайди. Истеъмолчи сарф қилган энергия ресурси ҳажмини билиш билан тизимдаги йўқотишлар ва ўғирликларга чек қўйиб бўлмайди. Бунинг учун «энергияни ишлаб чиқарувчи – магистрал тармоқлар – тақсимлаш тармоқлари – истеъмолчи» жараёнларининг ҳар бир заنجирини қамраб олувчи яхлит он-лайн тизимни яратиш керак, – деди давлат раҳбари.

Ҳамма жойда ҳисоблагичлар ўрнатиш, уларга хизмат кўрсатадиган сервислар ташкил этиб, узлуксиз ишлашни таъминлаш, малакали кадрлар тайёрлаш муҳимлиги таъкидланди.

Ҳокимлар, сектор раҳбарлари, маҳалла фаоллари аҳоли билан ҳар куни ишлаб, қарздорликни вақтида тўлаш, тармоққа ноқонуний улаишларнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишларини кучайтириши лозимлиги қайд этилди.

Бугунги кунда жойларда қарийб 4 миллион дона электр энергияси ҳисоблагичи ўрнатилиб, шундан 2 миллионга яқин электрон базага уланган. Йиғилишда «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятига йил якунигача яна 3,5 миллион дона электр ҳисоблагич ўрнатиб, 2021 йил 1 мартга қадар автоматлашган тизимни тўлиқ ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, йирик истеъмолчи ва тадбиркорлик субъектлари, тақсимлаш пункти ҳамда трансформаторларга электрон ҳисоблагичлар ўрнатиб, уларни ҳам яқин электрон базага улаш бўйича топшириқ берилди.

«Худудгаэлектр» акциядорлик жамияти жорий йил якунигача аҳолига 1,2 миллион дона, келгуси йилнинг биринчи ярмида яна 2,3 миллион дона замонавий газ ҳисоблагич ўрнатиши зарурлиги таъкидланди.

Бунда, биринчи навбатда, табиий газ истеъмоли ва қарздорлик даражаси юқори бўлган 22 та туман

ва шаҳар қамраб олинади. 4 мингдан зиёд йирик истеъмолчилар, газ қўйиш шохобчалари ва ишлаб чиқариш корхоналари, шунингдек, 850 та иссиқхона автоматлаштирилган тизимга уланади.

Энергетика вазирлигига ҳар бир туман, шаҳар кесимида ҳисоблагичларни етказиб бериш, ўрнатиш ва тизимга улаш ишларини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш топшириғи берилди.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига ҳудудларда ишчи гуруҳлар тузиб, маҳалла раислари билан биргаликда аҳолига ҳисоблагичлар ўрнатишни ташкиллаштириш, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш вазифаси қўйилди.

«Худудий электр тармоқлари» ҳамда «Худудгаэлектр» жамиятларининг техник ходимлари ва IT мутахассисларини ушбу замонавий тизим билан ишлаш, унинг барча имкониятлари ва қўлайликларидан самарали фойдаланиш бўйича малакасини ошириш кераклиги таъкидланди. Ҳар бир ҳудудда ҳисоблагич ва бошқа ускуналарни таъмирлаш, уларга хизмат кўрсатиш тизимини яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда электр энергияси ва табиий газдан дебитор қарздорликни камайтириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

Тармоқ раҳбарлари электр энергияси ҳамда табиий газни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари юзасидан тақдимот қилди.

Ў.А.

ҚУРИЛИШДА КОРРУПЦИЯГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Қурилишда сифат таъминлиши нималарга боғлиқ? Соҳадаги коррупциянинг олдини олишда айнан қайси жиҳатларга эътибор бериш лозим? Шу ва шу каби саволларнинг жавоби битта. Соҳани тўлиқ рақамлаштириш! Президентимизнинг мазкур йўналишдаги ишларни жадаллаштириш борасидаги топшириқлари ижросини таъминлаш бўйича самарали чора-тадбирлар кўрилмоқда.



Қурилиш вазирлигида Ҳисоб палатаси вакиллари иштирокида «Вазирлик тизимида яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича 2020-2021 йилларга мўлжалланган «Йўл харитаси» мавзусида бўлиб ўтган тадбирда ҳам айтиш мумкин бўлган муаммоларни баҳарлаштириш хусусида сўз борди.

Маълумки, қурилиш соҳасида 2021 йилнинг январь ойидан республика миқёсида «Шаффоф қурилиш» электрон тизими тўлиқ ишга туширилиши режалаштирилган. Жорий йилнинг август ойидан «Шаффоф қурилиш» Миллий ахборот тизимининг «Қурилишдаги назорат» қўйи бўғини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида тест тарихида ишга туширилгани учрашувда алоҳида қайд этилди. Айни йўналишдаги ишларни янада жадаллаштириш, энг чекка ҳудудларга эътибор қаратган ҳолда, соҳани рақамлаштириш орқали коррупция омилларини бартараф этиш зарурлиги қайд этилди.

Ҳисоб палатаси вакили томонидан вазирлик қошидаги Қурилишда назорат инспекциясида Комплаенс назорат хизмати ташкил этилгани ижобий баҳоланиб, мазкур йўналишдаги фаолиятни вазирлик тизимида ҳам йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Тадбирда, шунингдек, «Коррупциясиз соҳа» дастури доирасидаги топшириқлар ижросини таъминлашда ечимини кутаётган айрим

муаммолар мавжудлиги айтилиб, уларни бартараф этиш борасида таклифлар билдирилди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, «Шаффоф қурилиш» ахборот тизимини йўлга қўйиш мақсадида вазирлик қошида Қурилиш соҳасида АКТИ ривожлантириш маркази ташкил этилган бўлиб, бу ишлар бугун авж паллада. Мазкур ахборот тизимида «Худудларнинг бош режалари геопортали», «Қурилиш ишлари сифати назорати», Инвестиция дастурларига киритилган объектлар мониторинги, лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказишнинг электрон тизими, пудрат ва лойиҳа ташкилотларининг электрон рейтинг қабилар жамланади. Бунда, аввало, инсон омил чекланади, қолаверса, барча ҳужжат ва маълумотлар ягона базада сақланиши натижасида соҳада шаффофлик таъминлини, коррупциянинг олди олинади.

Тадбир сўнгида амалий ишлар тизимли равишда таҳлил қилиниб борилиши, жумладан, ҳар ойнинг якунида қилинган ишлар танқидий рўхда кўриб чиқилиб, камчиликларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди. Пировард мақсад эса қурилишда сифат таъминлини, уни коррупциясиз соҳага айлантиришдир.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Матбуот хизмати.

ИННОВАЦИОН ЛОЙИХАЛАР – ДАВР ТАЛАБИ

Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда илмий тадқиқотлар асқотмоқда



Республикамиз қурилиш материаллари саноатида рақобатбардор маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, шунингдек, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан яратилган Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури»га кўра қатор ишлар олиб борилмоқда.

«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси қошида Қурилиш материаллари саноати илмий-техникавий кенгаши ташкил этилган бўлиб, Инновацион ривожланиш вазирлиги Иброҳим Абдурахмонов унга раислик қилиб келмоқда. Мазкур илмий-техникавий кенгашда замонавий инновацион ишланмаларни ҳисобга олган ҳолда қурилиш меъёрлари ва қоидаларини такомиллаштириш, янги турдаги энергия тежамкор ва экологик жиҳатдан хавфсиз қурилиш материалларини тезкорлик билан амалиётга жорий этилиши ва қўлланилишига доир

таклифлар ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, юқори қўшилган қийматли янги турдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга қаратилган илмий-техникавий, тажриба-конструкторлик, инновацион ва стартап лойиҳаларни кўриб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва уларни саралаб олиш бўйича илмий асосланган хулосалар ишлаб чиқиш учун ҳам айнан мана шу илмий-техник кенгаш масъул ҳисобланади. Илмий-техникавий кенгашда қурилиш материаллари саноатида инновацияларни жорий қилиш бўйича илгор хорижий тажрибалар ва техно-

логик жараёнларни ҳар томонлама ўрганилмоқда.

Қурилиш материаллари саноати илмий-техникавий кенгашига келиб тушган лойиҳаларнинг аксарияти МДФ плиталар, модификацияланган серобетон, юқори сифатли цемент клинкерлари, поливинилхлорид буюмлар, шунингдек, базальт, залошлак ва техноген чиқиндилардан замонавий қурилиш материаллари технологияларини яратишга қаратилган. Ҳозирда махсус ўтказилган танлов натижаларига кўра умумий молиявий ҳажми 9,2 млрд сўмлик 7 та инновацион лойиҳа (клинкерли цемент, азбозурутдан асбест олиш, золобетон, янги боғловчилар олиш технологияси) Республика илмий-техник кенгашида ижобий баҳоланиб, молиялаштиришга тавсия этилди. Бундан ташқари, илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида қурилиш материаллари йўналиши бўйича умумий қиймат 9,8 млрд сўмдан иборат 30 та илмий-тадқиқот, инновацион ва стартап лойиҳалар бажарилмоқда.

Илмий тадқиқотлар ва иннова-

цион ишланмалар натижаларини юқори қўшилган қийматли қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга жорий этилишини таъминлаш ҳамда илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш мақсадида ҳозирда 26 та илмий-инновацион фаолият субъектларининг салоҳиятидан фойдаланилмоқда. Хусусан, 14 та илмий-тадқиқот ва 7 та олий таълим муассасаси, «Яшнобод» инновацион технопаркиннинг 4 та резидентлари ва 2 та стартап ташкилотлар жалб этилди.

Айни даврда инновацион фаолият субъектлари томонидан бозорга янги қурилиш материалларини таклиф қилиш кўламини кенгайтиришга қаратилган замонавий экотизим шакллантирилди. Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги «Яшнобод» инновацион технопарки резидентлари томонидан умумий қиймати 40,6 млрд сўмлик янги қурилиш материаллари ишлаб чиқарилиб, шундан 524,8 минг АҚШ долларига тенг маҳсулот хорижга экспорт қилинди.

(Давоми 2-бетда)

Барча ислоҳотлар халқимиз фаровонлиги учун

Бугунги кунда давлатимизда ҳар қандай соҳани кузатганимизда, барча йўналишлар бўйича тараққиёт ва ривожланишга қаратилган улкан ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўламиз.



Батафсил 2-саҳифада.

Барча ислохотлар халқимиз фаровонлиги учун

(Давоми. Боши 1-бетда)

Хусусан, давлатимизда охириги тўрт йил мобайнида қурилиш соҳасида амалга оширилган ислохотлар натижасида янги замонавий, сифатли қурилиш материаллари ишлаб чиқарилиши, арзон, сифатли ва энгил конструкциялар қўлланилиши, кузатуви автоматлаштириш орқали жараёндаги қурилиш-монтаж ишларининг назорати масофадан олиб борилиши, муносабатларни соддалаштириш, ижро механизмидаги информация ва ҳужжат алмашишувида шаффофликни таъминлаш, бюрократик тўсиқларга ва коррупцион омилларга барҳам бериш, ривожланган давлатларнинг таърибасини ўрганиб таҳлиллар асосида янги техника ва технологиялар кириб келиши натижасида техник ва технологик тараққиёти йўлида кескин ривожланишлар ўз самарасини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида давлат капитал қўйилмалари ва бошқа инвестицион дастурлар асосида замонавий аяка тартибдаги ва кўп қаватли уй-жойлар, шифохоналар, ўқув муассасалари, маъмурий бинолар, спорт мажмуалари ва ишонотлари, автомобил йўллари, метрополитенлар, sanoat ва ишлаб чиқариш корхона ва заводлар, инфратузилма объектилари ва муҳандислик тармоқлари қурилиши, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида жадал ривожланиш суръатлари яққол намоён бўлмоқда.

Давлатимиз томонидан соҳаларда таътиб этилаётган барча ислохотлар халқимизнинг фаровон яшаш, ўқиши, ишлаши, маданият ва спорт билан шуғулланиши, интеллектуал салоҳиятини ошириши, умуман олданида, мавжуд ва яратилган имкониятлардан кенг миқдосда фойдаланишга қаратилган.

Минг афсуски, давлатимиз раҳбарияти қурилиш соҳасини такомиллаштириш учун ниҳоятда катта куч ва маблағ сарфлаётган бир пайида, йилдан йилга тақрибан ҳар қанча камчиликлар ва хатолар ҳамда салоҳият ва билим етишмаслиги туфайли табиий ва техноген офатлар оқибатида аҳолимизга катта миқ-

дорда маънавий ва моддий зарар етказилмоқда. Бундай ҳолатларга жиддий эътибор қаратиб олдини олиш, бошидан бошлаб жараёндаги барча муносабатларни тартибга солиш, назорат қилиш, ҳудудларнинг бош режалари ишлаб чиқишида ва тасдиқлашида аҳолининг бевосита иштирок этиши, унинг жамоат экспертизасидан ўтказилиши, қурилиш меъёр ва қоидаларини янгиллаш ва халқаро нормативлар билан уйғунлаштирилиши, умуман олганда, соҳани такомиллаштириш мақсадида, Қурилиш вазирилик томонидан янги тахрирдаги «Шаҳарсозлик кодекси» ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тақдим этилганди.

Тақдим этилган «Шаҳарсозлик кодекси» бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг барча сиёсий партиялар фракцияларида депутатлар фаол ва қизғин музокаралар олиб бориб, бугунги кундаги доллар ва аҳолига зарур бўлган ҳамда тургундан-тургун ишлайдиган ва хизмат қиладиган нормаларни қиритган ҳолда маромига етказиб, жорий йил август ойининг сўнги кунларида ўтказилган йиғилишда ушбу кодекс депутатларнинг кўпчилик овози билан учинчи ўқишда қабул қилинди.

Бу жараёнда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг депутатлари ҳар бир боб, модда ва жумлалардаги маъно ва йўналишларни синчиклаб ўрганиб, халқимизга, давлатимизга қай даражада хизмат қилиниши ва наф келтириши бўйича чуқур таҳлиллар ўтказиши ҳамда шу асосда кодексни такомиллаштирган ҳолда қонунчилик ижодкорлигида фоят катта таърибга эга бўлдилар.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда таътиб этилаётган барча ислохотлар халқимизнинг орозу ҳавасларини амалга оширишга қаратилган бўлиб фаровон ҳаёт кечиршига ва ривожланишга чорлайди.

Ваҳобжон МУРАТКАБИЛОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатасининг
Саноат, қурилиш ва савдо
масалалари қўмитаси раиси.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда илмий тадқиқотлар асқотмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

Йўл қопламаларининг фойдаланиш муддатини 2,5 баравар ошириш ва таннархини 35-40 фоизга камайтириш имконини берувчи серобитум ва юқори самарадор технологиялар асосида серобетон ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида россиялик ҳамкорлар билан «ВІХТ ВТ» қўшма корхонаси ташкил этилди. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида 445,0 минг АҚШ доллари қийматидаги лойиҳа амалга оширилмоқда. Стартап лойиҳалар танлови ғолиблари томонидан госсипол смоласидан нефтсиз қурилиш битуми олиш (лоиҳа қиймати – 595,9 млн сўм) ҳамда маҳалли минерал хомашё ва sanoat чиқиндиларидан керамик бўёқлар олиш технологиясини яратиш (лоиҳа қиймати – 473,0 млн сўм) устида ишлар бошланди.

Ихтисослашган «Сурхонцементинвест» корхонаси негизда ҳам хомашёни чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларга сервис хизматлар кўрсатишни ўз ичига олган кластер ташкил этилди.

Инновацион ривожланиш вазирилик ва Польшанинг «NOVOL ASIA» қўшма корхонаси ўртасида имзоланган англашув меморандуми доирасида Ўзбекистонда илк мартада импорт ўрнини босувчи ва экспортга



йўналтирилган полиэфир шпатлёвка ва полиэфир елим (мармар, гранит ва бошқа тошлар учун махсус елим) ишлаб чиқариш бўйича умумий ҳажми 1,5 млн АҚШ долларига тенг технологиялар трансфери муваффақиятли амалга оширилди.

Айни пайтда қурилиш материаллари соҳасидаги стандартларни янгиллаш, янги ишлаб чиқариш технологияларини яратишнинг илмий-лаборатория базасини мустаҳкамлаш чоралари қўрилмоқда. Бу борада «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси ва «Ўзстандарт» агентлиги билан ҳамкорликда 677 та стандартлар инвентаризациядан ўтказилди. 2019 йилда эса қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича 325 та халқаро стандартлар қабул қилинди. Самарасиз, эскирган стандартлар бекор қилинди.

Шулар баробарида, Беларус Миллий фанлар академияси ва давлат технология университети билан ҳамкорликда инновацион қурилиш материаллари технологияларини яратиш учун инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ўта муҳимдир.

Юртимизда сўнгги йилларда бинокорлик ишлари кенг қўламда амалга оширилмоқда. Бунда қурилиш материаллари бўлган талаб бир қаторда, уларнинг энергия тежамкорлиги, пишиқлиги, ташқи муҳит таъсирига чидамлилиги, арзонлиги, мақбул вазнга эгаллиги каби сифатлари алоҳида эътибор берилмоқда. Шундай экан, мавжуд хомашёлардан жаҳон талабларига мос янги қурилиш материалларини яратиш учун инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ўта муҳимдир.

Ўз мухбиримиз.

Янги бинода янги оила никоҳи қайд этилди

Шу кунларда Тошкент вилояти Оҳангарон тумани ФХДЭ бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди. «Ёнариқ» МФЙ ҳудудида замонавий талаблар асосида қад кўтарган ушбу иморат барча коммуникация тизимларига уланган бўлиб, 2 қаватдан иборат.

Бинонинг биринчи қаватида фуқаролар учун барча кулайликларга эга бўлган кутиш жойи, ичкарида никоҳни қайд этиш зали ўрин олган. 2-қаватда эса ҳужжатлар сақланадиган архив бўлими ва ходимлар иш кабинетлари жойлаштирилган. Бинони барпо этиш ишлари «Қушон қурилиш» МЧЖ қурувчилари томонидан жорий йилнинг май ойидан бошланган бўлиб, бунёдкорлик ишларига 705 млн сўм маблағ сарфланди.

– Оҳангарон туман ФХДЭ бўлими 3 хонали ҳеч қандай шароитларга эга бўлмаган бинода ижара асосида фаолият юртарди, – дейди туман ФХДЭ бўлими мудири Савара Дехқонова. – Ёз кунларида никоҳдан ўтиш учун келган ёшларимиз, фуқароларимиз учун шарт-шароитлар мутлақо йўқ эди. Энди барча шароитлари муҳайё этилган кенг ва ёруғ хоналарда хизмат кўрсатиш биз учун қулай. Янги бинони тез фурсатларда, сифатли қуриб берган «Қушон қурилиш» МЧЖ ишчиларига, шунингдек, туман ҳокимлиги мутасаддиларига миннатдорчилигимизни билдирамаиз.

Оҳангарон тумани ФХДЭ бўлимининг Давлат хизматлари маркази биноси яқин жойда барпо этилгани аҳолининг ортқича овозгарчилигини бартараф этиш баробарида, юртдошларимизга тезкорлик билан сифатли хизмат кўрсатишни таъминлайди.

Нарғиза МИРЁҚУБОВА,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Цемент ишлаб чиқаришда истиқболли лойиҳалар

«Қизилқумцемент» акциядорлик жамияти республикада цемент ва цемент маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган энг йирик корхона ҳисобланади.



Корхонанинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қиладиган лойиҳалар салмоғи кун сайин ортаётгани эътиборга молик. Қурилиш ва бунёдкорлик майдонига айланиб бораётган юртимизда қурилиш материалларидан цемент маҳсулотига талаб жуда юқори.

Инқирозга қарши олиб борилган чора-тадбирлар натижасида жорий йил давомида 2 млн 73 минг тонна цемент ишлаб чиқариб, ички бозорнинг қарийб ярмини таъминлаётган «Қизилқумцемент» акциядорлик жамиятининг соҳа ривожидидаги ҳиссаси катта. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 69 минг тонна кўп бўлиб, бу натижага, мураккаб вазиятга қарамастан, корхонадаги цемент, темир бетон, оҳак, шифер, фаоллаштирилган темирли минерал қўшимчалар ҳамда таъмирлаш цехларининг бир маромда ишлаб келаётгани самарасида эришилди.

Заводнинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳиятини янада оширишга катта эътибор қаратилиши натижасида, бугунги кунда амалиётга татбиқ этилаётган йирик лойиҳалар салмоғи ортган. Биргина 2019 йилда заводда Ўрта Осие корхоналари орасида илк марта 600 маркали цемент ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бугунги кунда бу ерда 400, 500 ва 600 маркали умумқурилиш портланд цементлари билан биргаликда махсус сульфатга бардошли тампоажли хризатил цемент буюмлари учун фаол минерал қўшимчани ва қўшимчаларсиз цемент турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бу

ўз навбатида, мураккаб пандемия шароитида мамлакат иқтисодиётининг ёқилиш-энергетика, транспорт, уй-жой қурилиши, қишлоқ ҳаёлиги каби кўплаб тармоқларнинг цементга бўлган талабини қоплайди. Олиб борилаётган техник ва технология модернизация ишлари самарасида маҳсулот сифати орттириш баробарида, ишчи-ҳодимларнинг меҳнат унумдорлиги ортмоқда. Буни биз клинкер ишлаб чиқариш цехида совуттич линияси ва куйдириш печи автомат тарзда ишлаши, масофадан бошқариш тизимига ўтказилгани, бу эса ҳар бир печнинг ҳароратини ўз вақтида назорат қилиш имконини бериши мисолида кўришимиз мумкин.

– Пандемия шароити туфайли корхонадаги ҳар бир ишчи ижтимоий масофага риоя қилган ҳолда, тиббий ниқоб ва махсус кўпқошларни таътиб меҳнат қилмоқда, – дейди «Қизилқумцемент» АЖ Меҳнатни муҳофаза қилиш, sanoat хавфсизлиги ва экология бошқармаси бошлиғи Олим Ражабов. – Ишчиларимиз антисептик ва тиббий ниқоблар билан таъминланган, уларнинг таомланиши, дам олиши ва самарали меҳнат қилишлари учун барча зарур шароитлар яратилган.

«Ўзқурилиш материаллари» уюшмаси томонидан берилган маълумотларга кўра, ўтган даврда цемент бўлган биргаликда қарийб 1 трлн 300 млн сўмлик ментга бўлган талабини қоплайди. 200 га яқин турдаги қурилиш маҳсулотлари, жумладан, 1 млн 375 минг донна шифер, 46 800 квадрат метр темир-бетон буюмлар, 30 600 тонна қурилиш оҳағи истеъмолчиларга етказиб берилди. «Қизилқумцемент» АЖнинг биргина шифер ишлаб чиқариш цехида 120 нафар ходим меҳнат қилиб, кунига 12 минг тоннага маҳсулот буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

Тизимни янги лойиҳалар асосида янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, маҳсулот сифати ва турини кенгайтириш ҳисобига янги иш ўринларини яратиш завод мутасаддиларининг асосий мақсади. Бугунги кунда технологик тармоқнинг лойиҳалаш ишлари учун тендер савдолари эълон қилинган бўлиб, танлов якунланган, яна бир замонавий, энергия тежамкор линия ишга туширилди. Бунинг натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, йиллик қувват 4,5 млн тоннага етказилди.

Нарғиза ХАЙРУЛЛАЕВА,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Республика ишчи гуруҳи томонидан Фарғона вилоятида куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати ўрганилмоқда.

Электр энергиясида узилиш бўлмайди

Энергетика вазириликнинг махсус штаби «Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамиятига қарашли темир-бетон таянчлар ишлаб чиқариш цехида бўлди. Бу ерда паст кучланили электр тармоқларини янгидан қуриш, модернизация ва реконструкция қилиш ишларини жадаллаштириш ҳамда қурилиш-монтаж ишларининг таннархини пасайтириш мақсадида ишлаб чиқариш цехлари фаолияти йўлга қўйилган.

Мазкур цехда 18 та қўшимча иш ўрни яратилган бўлиб, бу ерда кунига 30 донна темир-бетон таянч ишлаб чиқариш қуввати эса 10 минг 80 донна ташкил этади.

Шунингдек, қўшимча равишда цехнинг иккинчи бўлиминини ишга тушириш кўзда тутилган бўлиб, ҳозирда қурилиш ишлари олиб боришмоқда. Қўшимча цех фаолияти йўлга қўйилган, яна 10 та янги иш ўрни яратилиб, ишлаб чиқариш қуввати икки баробарга ортади ҳамда корхонанинг темир-бетон таянчларга бўлган йиллик эҳтиёжи қарийб 100 фоизга қопланади.

«Фарғона ҲЭТК» акциядорлик жамиятида темир-бетон таянчлар ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши билан таянчларни ўзаро маҳкамлаш ва уларга симларни осиш учун зарур бўладиган ҳар хил турдаги металл конструкциялар ишлаб чиқариш зарурати юзага келди. Шунингдек, қўшимча равишда жамият қошида металл конструкциялар ишлаб чиқариш цехи фаолияти ҳам ташкил этилди. Бунинг учун керакли асбоб-ускуна ва металл ишлов бериш дастгоҳлари ўрнатилиб, зарур хомашё сотиб олинди.

Ишчи гуруҳ аъзолари СИП арматуралари ишлаб чиқариш цехи фаолияти билан ҳам танишди. Полимерларни қайта ишлашга мўлжалланган замонавий 290 ва 120 тонналик гидравлик босим билан ишловчи термопласт автоматлар, хомашёни қуриштириш ва маҳсулотнинг қолган турларини ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйиш бўйича ишлар давом этмоқда.

Ҳозирги кунда ишлаб чиқариш цехида 6 хил турдаги СИП арматуралари ишлаб чиқаришмоқда. Цех фаолиятини янада кенгайтириш ва маҳсулотнинг қолган турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича ишлар давом этмоқда.

Ишчи гуруҳ аъзолари шунингдек, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш бўлими фаолияти билан танишди. Маълумки, белгиланган дастурлар ижросини таъминлашда лойиҳа-смета ҳужжатларининг ўз вақтида бажарилшига эришиш, лойиҳа-смета ҳужжатлари учун сарфланаётган харажатлар миқдорини қисқарттириш орқали корхонанинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда «Фарғона ҲЭТК» акциядорлик жамияти таркибиде 10 та мутахассисдан иборат лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш бўлими ташкил этилди.

Соҳада амалга оширилаётган бу каби истиқболли лойиҳалар истеъмолчиларга сифатли ва барқарор электр энергияси етказиб бериш ҳамда мавжуд электр узатиш тармоқларини янгиллашга қаратилган.

М. СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

Мамлакатимиз халқ ҳўжалигининг барча тармоқларида ўсиш суръатлари яққол кўзга ташланмоқда. Қурилиш, sanoat, транспорт ва бошқа соҳалар жадал ривожланиб, одамларни иш билан таъминлаш, турмуш тарзини яхшилашга катта эътибор қаратилляпти.

Ютуқлар кўп, муаммо ҳам бор

Бунёдкорлик қўламини кенгайтган сайин янги корхоналар, уй-жойлар, замонавий инфратузилма иншоотлари кўпайиб бормоқда. Бундай юқори натижа ва унумга эришишда, табиийки, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўрни катта бўляпти. Самарқандда фаолият кўрсатаётган «World gold chemical» МЧЖ ҳам тадбиркорлик туфайли сифатли елим тайёрлашни йўлга қўйиб, аллақачон нафақат ички бозорда, балки хорижий харидорлар ўртасида ҳам обрў қозонмоқда.

Ишлаб чиқараётган маҳсулотга талаб кундан-кун ошиб кетаётганининг сабаби ҳеч кимга шир эмас, – дейди корхона директори Зоҳид Давронов. – Ҳозирги замонада sanoat ва қурилиш соҳасининг бирор жабҳаси йўқки, унда елим ишлатилмас. Лак-бўёқ, эмульсия ишлаб чиқариш, айнак, тўқимачиликда бу маҳсулотга эҳтиёж жуда сезилляпти. Шунинг учун келгусида кўпроқ маҳсулот тайёрлаш мақсадида заводни янада кенгайтириш, йирик лойиҳаларни амалга оширишга бел боғляпмиз. Бу ўзгартишлар туфайли республикани тўлиқ ўз маҳсулотимиз билан таъминлаш имкониятига эга бўламыз, ойига 2-3 миллион долларлик экспортни йўлга қўямыз. Қолаверса, яна кўммича 50 та иш ўрнига эга бўлишимиз мумкин.

Айтиш жоизки, айни пайтда жамият аъзолари бир кеча-кундузда 9-10 тонна елим ишлаб чиқариб, харидорларга узлуksиз етказиб берапти. Қўшни Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари ҳам «World gold chemical» МЧЖнинг маҳсулотларини бажонидил хариб қилишляпти.

– Айни пайтда хомашё масаласини ижобий ҳал этишга жиддий киришганмиз, – дея давом этди Зоҳид Амонович. – Илгари Туркиядан валюта эвазига олинган понивинилли андиликда яқинда ишга туширилган «Навоийазот» АЖ корхонасидан хариб қилишни режалаштирдик. Шунингдек, икки миллион долларга замонавий технология келтириб ўрнатил устида бош қотиряпмиз. «Бош қотиряпмиз», деганимнинг тағида гап бор, албатта. Корхона ҳудуди тор. Айрим жиҳозларни ўрнатиш, янги цех қуриш учун жой етишмяпти. Аммо кириш дарвозамиз олдида 3 сотти ер мавжуд. Вилоят, шаҳар ҳокимлиги, таъбибосимизни қўллаб-қувватлаб, шу муаммони ҳал этишда бизга амалий ёрдам беришса, айни муддао бўларди.

Ўз мухбиримиз.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Ер усти метроси остида савдо шохобчалари ва кўнгилочар масканлар барпо этилади

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида Тошкент метрополитенининг Юнусобод йўналишида «Юнусобод» ва «Туркистон» бекатлари ҳамда Тошкент ер усти халқа метро линиясининг биринчи босқичи – «Дўстлик-2 – Кўйлик» йўналиши фойдаланишга топширилди.



Ўзига хос замонавий кўриниш, қўлайлик ва кўрамлиққа эга бўлган «Дўстлик-2 – Кўйлик» йўналиши 7 бекатдан иборат бўлиб, узунлиги 11,5 километри ташкил этади.

Этиборли жиҳати, 29 август куни давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ушбу манзилга ташриф буюриб, жамоатчилик вакиллари билан бирга поездда юрган ҳамда замонавий бекатлардаги қўлайликлар билан танишган эди.

Тошкент шаҳрида ер усти халқа метро линияси қурилишини мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг амалдаги ёрқин ифодаси дейиш мумкин. Чунки шу вақтга қадар аҳоли ер усти метрополитенидан фойдаланиб келганда сабабли ер усти метросини барпо этиш мумкинлиги ҳақида тасаввур қилмасди. Шу боис, ҳукуматимиз томонидан бугун тошкентликларнинг узогини яқин қилаётган Тошкент ер усти халқа метро линиясининг биринчи босқичи – «Дўстлик-2 – Кўйлик» йўналишининг ишга туширилиши улар учун том маънода янгиликдир.

Айни кунларда ер усти метросидан фойдаланаётган шаҳар аҳолиси чиндан ўзларини бахтиёр ҳис этмоқда. Поезд ва бекатлардаги замонавий кўриниш, қўлайликлар, азим Тошкент манзараларини баланддан томоша қилиш уларга чиндан қувонч улашмоқда.

Ўз навбатида, бундай янгилик юртимиз тadbirkorлари ва инвесторларини янги гошларга ундаётган бўлса ҳам ажаб эмас. Рост-да, Германия, Япония, Швейцария давлатларида ер усти метроси бир томондан йўловчиларни манзилларига етказиш объекти бўлса, иккинчи томондан уларнинг

бизнес вакиллари учун даромад манбаига айланган гўша ҳамдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги «Тошкент шаҳрида икки йўллик электрлаштирилган тезорат темир йўлини қуриш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши бу ишлар қўламини кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Бир гуруҳ оммавий ахборот воситалари вакиллари ер усти метросининг «Дўстлик-2 – Кўйлик» йўналишида бўлиб, бу ердаги жараёнлар билан танишди.

Иштирокчиларга ушбу метро линиялари қурилиши бўйича «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти раиси Хусниддин Ҳосилов маълумот берди.

– Муҳтарам Президентимиз таъаббуси билан бугунги кунда ер



усти ва ер усти метро қурилишлари жадал давом эттирилмоқда, – деди Ҳ. Ҳосилов. – Мустақиллик байрамининг 29 йиллиги арафасида Юнусобод йўналишининг «Юнусобод» ва «Туркистон» бекатлари ҳамда «Дўстлик-2 – Кўйлик» ер усти йўналиши ишга туширилди. Ҳозирги кунда «Сергели» линияси қурилиши давом эттирилмоқда. Бу йўналишининг ўзига хослиги шундан иборатки, оралиқ масофа 6,9 километри ташкил этади ва Сергелининг зич жойлашган аҳолисига қўлайлик яратади. «Сергели» йўналиши «Чоштепа», «Тошкент халқа йўли», «Сергели», «Афросиёб», «Қипчоқ» бекатларидан иборат. Ҳозир қурилиш жараёнида 100 фоиз темир-бетон конструкция ишлари бажарилган. Ер усти ишлари тугатилган. 1400 дан ортиқ темир-бетон балкалар монтаж қилинган. Айни кунларда ер усти метро линияларининг темир йўл панжараларини ўрнатиш, электрлаштириш ишлари олиб боришмоқда. Юқорида таъкидлаб ўтган бекатларда қурилиш ишлари тугатилиб, айни чоғда уларда қўлама ишлари амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш керакки, Президентимиз «Дўстлик-2 – Кўйлик» йўналишининг ишга туширилиши билан бу ерга қилган ташрифи чоғида ер усти метро линияларининг пастки қисмида жуда кўп очик майдон мавжудлиги ва ундан унумли фойдаланиш масаласига катта эътибор қаратди.

Ушбу талаблардан келиб чиқиб, бугунги кунда ер усти метроси пастки қисмида замонавий савдо ва хизмат кўрсатиш қаторини ташкил қилиш, ободонлаштириш ва кўчаларни янгилаштириш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу ишларни амалга ошириш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилган.

Ер усти метро линияси билан танинув чоғида Яшнобод тумани ҳокими Бахтиёр Раҳмонқулов иштирокида ушбу ишларни амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа тақдими ўтказилди.

Унда Яшнобод тумани ҳокими лойиҳанинг аҳамияти ҳамда уни амалга татиқ этиш аҳоли турмуш-тарзини яхшилаш ва тadbirkorлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

– Мустақиллик байрами арафасида Тошкент шаҳрида янги, замонавий ва ноб бўлган ер усти метро линиясининг Яшнобод тумани ҳудудидан ўтувчи биринчи етти бекатдан иборат бўлган метро фойдаланишга топширилди, – деди Б. Раҳмонқулов. – Бу улкан бунёдкорлик Яшнобод, Бектемир ва кўшни туманлар аҳолисига катта қўлайлик яратмоқда. Шу билан бирга, бу ишлар давомида ер усти метроси остида яхши бир шаҳар инфраструктурасини яратиш режими ҳам бор. Биз бу лойиҳани ишлаб чиқишдан олдин Германия, Швейцария ва Япония давлатлари тажрибасини ўргандик. Ушбу давлатларда ҳам ер усти метроси остида савдо шохобчалари, кўнгилочар масканлар барпо этилган. Шундан келиб чиқиб, биз биринчи ва иккинчи бекатлар оралигини олти лотга бўлиб чиқдик. Жами 6 лот 153 минг 161 квадрат метр масофани эгаллади. Масалан, 1-лот 24 минг 965 квадрат метр бўлиб, у Оҳангарон шўх кўчасининг ўнг томонида жойлашган. Бу жойлар кимларга берилди ва улардан қандай тартибда фойдаланиш мумкин, кўнгилочар масканлар барпо этилган. Айни пайтда бу борада ўрганишлар олиб боришмоқда. Яна бир муҳим гап: Оҳангарон шўх кўчаси автомобиллар ҳаракати энг гавжум йўл ҳисобланади. Шу сабабли, бу борада режалар пишқи-пухта ишлаб чиқилди.

Ер ажратиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабрдаги «Тadbirkorлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун бўш турган ер участкаларини бериш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан «YERELEKTRON» аукцион автоматлаштирилган ахборот тизими амалга амалга оширилди. Унда мамлакатимиз тadbirkorлари ва хорижлик инвесторлар иштирок этиши мумкин. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланган ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, якунига етказилгандан сўнг ўрнатилган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишилган ҳолда тасдиқланади. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали тегишли маълумотлар бериб борилади.

Тақдиротдан сўнг иштирокчилар ер усти метросининг Сергели линиясидаги қурилиш жараёнлари билан танишди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎЗА мухбири.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

Фоний дунёнинг чексиз имкониятларга эга инсонга аталган инъомлари бисёр, сарҳадсиз. Оллоҳнинг марҳаматидан ақл тарозисини ишга солиб, ўзига керакли «дуру жавоҳир»ни териб, расамади билан харжлаган киши ҳеч қачон ҳор бўлмайди. Заргар олтинни, меҳр-оқибат одамни сайқал топтирганидек, ҳаётда яхши ном орттириш, назарга тушиш учун ҳам кўплаб эзгу фазилатлар соҳибига айланиш, муруват кўрсатиш лозим.

Юртга бўлган садоқат



га куч-қувват, қанот бағишламоқда, уларни порлоқ истиқбол, Ватанин севиш, уни янада обод қилиш сари ундамоқда.

Санъатжон Қодиров айни пайтда мамлакатимизда тadbirkorликни ривожлантириш, жумладан, қурилиш, ишлаб чиқариш соҳаларида янгиликлар яратиш, одамларни иш билан таъминлашга, давлатнинг иқтисодий юксалишига муносиб улуш қўшаётган. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли жамият ҳозирги кунда маҳаллий ва хорижий технологияга асосланган инновацион ечимдан, замона руҳига монанд бунёдкорлик материалларига таяниб, энг сўнгги ютуқларга мосланган, жиҳозланган уй-жойлар, маданий-машиий иншоотлар қуриш билан банд.

Санъатжон халқи учун елиб-югуриб хизмат қилиш, ўзгалар қалбидан ўзига нисбатан ҳурмат туйғусини уйғотишни отаси Абдуҳафиз бободан ўрганди. Қолаверса, хонадондаги ижодий муҳит, фақат ақлини қилишга ундаш ҳисси, устозларнинг оқил панд-насихатлари уни шундай тарбиялади.

Самарқандлик қурувчиларнинг оддий вакили, қадимий ва навқирон шаҳарни янада обод қилиш, кўрама, мафтункор бинолар барпо этишда жонбозлик кўрсатаётган Санъатжон Қодиров ҳақида ана шундай фикр билдириш мумкин. Аслида юраги юрт ишқи билан ёнган тadbirkorнинг ҳаёт йўли ҳам мураккаб эмас. У 1980 йилда туғилиб, шаҳардаги 47-умумтаълим мактабни тугатган. Илгга чанқоқлик уни Самарқанд кооператив институтига чорлаган. Ўқиш давомидаги тиришқоқлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги, «аъло» баҳолари уни атрофдагиларга танитди. Иқтисодчи, деган олий маълумотли мутахассислики эгаллаган йигит дастлаб билимини савдо, тижорат соҳасида қўллаб кўрди.

2000 йилдаги ноҳуш воқеа – отасининг тасодифан вафоти уни ва ака-укаси Санжар, Сухробни жиддий ҳушёр торттирди. Санъатжон рўзгорни тебратиш тилида тadbirkorлик билан шуғуллана бошлади. «Меҳр нур омад барака» маъсулияти чекланган жамиятига асос солиб, бинокорлик соҳасидаги салоҳиятини синондан ўтказишга киришди. Зарур техника воситалари, машиий механизмлар харид қилинди. Маълуми касб эгалари, ишчи-хизматчилар атрофга бирлашдилар. Мана, 15 йилдирки, Санъатжон тинимсиз изланишда, янги-янги режалар устида туну кун ишлаб, қўл остидагилар

Санъатжон бугун Самарқанд кўчалардан юрар экан, ўзи бунёд этган бир-биридан мафтункор иморатларга ҳавас билан тегулади, уларда меҳнати, қалб кўри борлигидан гурураюлади. Ўзига хос метморчилик намунаси ҳисобланган меҳмонхоналар, савдо дўконларини айтмайми?! Шаҳарга ташриф буюраётган сайёҳларга транспорт хизмати кўрсатиш, уларни манзилларга етказиш борасидаги саъй-ҳаракатларини ҳар қанча олқишласа арзийди. Ютуқларни қўлга киритишда Фарҳод Набираев, Элбек Хидиров, Фаридун Ҳайитов, Ўткир Азимов, Умида Давронова сингари шогирдлар, ҳамкасбларнинг ҳиссаси борлигини мамнуният билан таъкидлайди.

– Дўстимнинг қалби яратувчилик, бунёдкорлик чўғи билан ёнган, – дейди Комилжон Пулатов. – Фидойи йигитнинг олдида ҳали янада катта режаларни амалга ошириш фикри мужассам. Жумладан, қадимий кентга келаётган туристлар оқинини кенгайтириш, улар ҳурматини жойига қўйиш, юртимиздан олам-олам таассурот билан қайтишини таъминлаш борасидаги изланишлар унга тинчлик бермаётган. Ватан тақдирини ўйлаб яшаш, ҳамюртларнинг келажаги ҳақида қайғуришдан ортиқ бахт бўлмаса керак.

Ҳа, юзидидаги нур, юрагидида порлаб турган машъал билан Санъатжон ҳали кўплаб ёшлар йўлини ёритиб, уларни порлоқ келажак сари чорлайверишига шак-шубҳа йўқ.

Ҳамза ШУКУРОВ,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Замонавий электр ҳисоблагичлар ўрнатиш давом этмоқда

Навоий вилоятида электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 23 октябрдаги «Электр энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида жойларда электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига уланган ҳисоблагичларни ўрнатиш ўтган йилнинг сентябрь ойидан бошланган.

Бугунги кунга қадар 90 мингдан ортиқ истеъмолчининг мавжуд электр ҳисоблагичлари янгисига алмаштирилди.

2020 йил охирига бориб вилоят ҳудудидаги 260 минг 941 юридик ва аҳоли истеъмолчиларига замонавий электр ҳисоблагичлар ўрнатиш ишлари якунланади.

Таъкидлаш жоиз, ҳисоблагичлар истеъмолчиларга «Худудий электр тармоқлари» АЖ маблағлари ҳисобидан бепул ўрнатилмоқда.

Суратда: электр ҳисоблагичлар ўрнатиш пайтида.

Сирож АСЛОНОВ (ЎЗА)
олган суратлар.



ПРИГЛАШЕНИЕ К УЧАСТИЮ В ТЕНДЕРЕ!

УТГК по Андижанской области приглашает к участию в тендере и просит представить тендерное предложение по объекту: реконструкция таможенного поста «Дустлик» в Ходжабадском районе Андижанской области.

Источник финансирования проекта – осуществляется за счет собственных средств заказчика.

Срок окончания работ, установленный заказчиком – 270 дней с начала работ.

Предельная стоимость заказчика составляет:

14 244 821 822 сум с НДС;

12 386 801 584 сум без НДС.

В тендере могут участвовать: отечественные и зарубежные строительные организации, предприятия и фирмы, заявившие о своём намерении участвовать в тендере на предложенных условиях;

объединения юридических лиц –

консорциумы, если иное не оговорено в тендерной документации (см. ИТТ).

К участнику на участие в тендере предъявляются следующие квалификационные требования: наличие оборотных средств, в размере не менее 20 % от стоимости предмета тендера или поручительства банка на предоставление указанных средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для выполнения работ, (услуг);

гражданская правоспособность и полномочия на заключение договора; наличие опыта работ за последние три года по аналогичным объектам и объемам тендера;

предоставление сведений о ранее выполненных объемах работ собственными силами, намечаемом объеме работ, планируемом к выполнению собственными силами на объекте тендера (в процентах);

Если деятельность, связанная с выполнением работ (услуг), являющаяся предметом тендера, подлежит лицензированию в соответствии с законодательством, к участию в тендере допускаются участники, обладающие соответствующей лицензией, выданной в установленном порядке. (см. ИТТ).

Не допускаются к участию в процедурах тендера участники:

торскую задолженность по уплате налогов и других обязательных платежей;

находящиеся на стадии реорганизации (разделения, слияния), ликвидации или банкротства, на имущество которых наложен арест, а также имеющих непосредственную организационно-правовую или финансовую зависимость друг от друга, выраженную в форме актов учредительства, финансового участия, холдинга и других форм.

Требования ко всем документам, необходимым для подготовки и подачи тендерного предложения, отражены в тендерной документации,

в том числе формы и образцы для заполнения.

Тендерную документацию по предмету тендера можно получить по адресу, указанному ниже:

Адрес: г. Андижан, пр. А. Навои, 30. Контактное лицо: М. Сотиболдиев. Телефон: (74) 223-57-05.

Срок представления предложения консалтинговому центру установлен в течение 30 календарных дней после публикации объявления в специальном информационном портале, который истекает 11.10.2020 г. в 16.00.

Адрес: г. Андижан, пр. А. Навои, 30. Телефон: (74) 223-57-05.

Эртанги хотиржамлик бугунги ҳаракатга боғлиқ

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудлари каби Тошкент шаҳрида ҳам куз-қиш мавсумига катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳар прокуратураси масъулликда соҳа мутахассисларидан иборат комиссия томонидан аҳоли турар жойлари ҳамда ижтимоий объектларда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш, ички инфратузилма тармоқларини соз ҳолатга келтириш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда.

Тиббиётда тўғри ташхис – ярим даволаш, деган ибора бор. Шу маънода, шаҳримиздаги куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларининг прокуратура ходимлари томонидан аҳоли вакиллари билан учрашиб, уларни қийнаётган муаммоларни ўрганиб, бажариладиган вазифаларни мутахассислар билан маслаҳатлашган ҳолда амалга оширилаётгани айни мuddа бўлмоқда.

Айни кунларда, Миробод туманида ҳам куз-қиш мавсумига ҳозирлик ишлари авжга чиққан. Туманининг «Шахрисабз» кўчасида умумий узунлиги 5,4 километрли пйёдалар йўлакчасида бугунги кунда катта қурилиш ишлари амалга оширилиб, кўзи ожиз кишилар ва велосипед ҳайдовчиларнинг ҳам эркин ҳаракат қилишлари учун алоҳида шароитлар яратилмоқда. Туман кўчаларида турли маҳсулот ва хизмат турларининг рекламасини ўзида ифода этувчи катта баннерлар ҳам тартибга келтириляпти.

Аҳолига қўлайликлар яратиш, айниқса, кечки вақтларда ҳайдовчи ва йўловчиларнинг эркин ҳаракат қилишлари учун туманининг Миробод шохкўчаси



ҳудудидаги Нукус ва Шахрисабз кўчасига бўлган қисмида эскириб қолган тунги ёритиш мосламалари замонавий ёритиш устунларга алмаштирилмоқда. Туман ҳокимлигидан олинган маълумотларга кўра, ушбу ишлар учун 1,2 млрд сўм ҳомийлик маблағлари ажратилган. Куз-қиш мавсумига тайёргарлик доирасида туманининг «Янги Миробод» МФЙ ҳудудидаги Мироншоҳ 3-тор кўчаси 5-уй атрофида совуқ сув

тизими қувиридаги носозликни таъмирлаш ишлари зудлик билан ташкил этилди. Бу ерда қувирунинг ёрилиб кетиши сабабли авария ҳолати юзага келган. Комиссия аъзолари томонидан мазкур муаммони бартараф этиш ишлари олиб борилмоқда.

Таъкидлаш зарурки, «Сувсоз» корхонаси томонидан 2020-2021 йилларга мўлжалланган режалар доирасида аҳолини тоза ичимлик сув билан узлуксиз таъминлаш мақсадида эскирган сув қувируларини янгилашига алмаштириш ишлари жадаллик билан давом эттирилмоқда. Жумладан, 2 минг метр масофадаги ер остига полиэтилен сув қувируларини ўрнатиш, 500 метрлик узунликдаги сув қувируларини капитал таъмирлаш режалаштирилган. 12 донга сув ёпқичлари ва яна шунча ёнгинага қарши сув учирши гидрантларини ўрнатиш кўзда тутилган.

Туманининг «Файзобод» МФЙ ҳудудида аҳолини бир неча йиллардан бери эскирган ёғоч устунлари қийнаб келаётган. Улар кўп бора мутасаддиларга мурожаат қилинган, ammo натижа бўлмаган. Ҳозирда махсус комиссия топширигига асосан, эскирган ёғоч устунлар темир-бетон устунларга алмаштирилмоқда.

Мавсумга тайёргарлик бўйича бу каби ишлар ҳар бир туманда олиб борилмоқда.

Хуршида РАХМАНОВА,
Тошкент шаҳар прокуратурининг
Жамоатчилик билан алоқалар ва
ҳуқуқий ахборот бўйича катта ёрдамчиси.

Работа по подготовке к осенне-зимнему периоду ведётся планомерно



Для выполнения мероприятий по подготовке к ОЗП были организованы плановые ремонтные работы, наладка, техническое освидетельствование и диагностирование энергетического и электротехнического оборудования, в том числе и резервного, необходимого для надежного и бесперебойного снабжения энергоресурсами население, объектов социальной сферы и жилищно-коммунального комплекса. Подготовительные работы проводились, прежде всего, на подстанции, трансформаторных пунктах, воздушных линиях электропередачи.

В ходе выездного заседания в Ферганскую долину члены Специального штаба Министерства энергетики ознакомились с работой, проделанной в этом направлении. Рабочая группа посетила АО «Ферганское предприятие территориальных электрических сетей», при котором действуют цеха по производству железобетонных опор, металлоконструкций, изготовлению арматур и др.

Как известно, железобетонные опоры являются неотъемлемой частью системы низковольтных электрических сетей и организация производства этого важного строительного материала непосредственно в Ферганской области позволяет ускорить процессы строительного-монтажных работ, реконструкции и модернизации электросетей и, безусловно, снизить их стоимость.

Как отмечалось, мощности производства позволяют ежегодно производить до 30 железобетонных опор, в том числе 18 единиц – модификации «СВ-95-2,0» и 12 ед. – «СВ-110-3,5». Таким образом ежемесячная производственная мощность составляет 840 единиц, а за год производится 10 тыс. 80 штук железобетонных опор. Пуск производства дал возможность также создать 18 рабочих мест.

Учитывая потребность рынка в данном виде продукции, планируется запустить вторую линию производства, которая в настоящее время находится в стадии строительства. Пуск второй линии позволит вдвое увеличить производственные мощности, а также создать 10 новых рабочих мест.

В результате роста объемов производства железобетонных опор в области практически будет полностью удовлетворена потребность в них, учитывая объемы деятельности АО «Ферганское предприятие территориальных электрических сетей».

Как было отмечено в ходе анализа ситуации, с запуском производства железобетонных опор, возникла также необходимость в изготовлении различных типов металлоконструкций, необходимых для взаимного крепления опор и подвесных тросов на них.

Учитывая данную потребность, АО «Ферганское ПТЭС» также при-



нял решение об открытии производства металлоконструкций. Для этого были установлены токарные станки, закуплено другое необходимое оборудование, а также сырье.

Члены рабочей группы также ознакомились с деятельностью цеха по производству SIP-арматуры. Для его работы были приобретены и установлены современные гидравлические термолластические машины мощностью 290 и 120 тонн для переработки полимеров, оборудование для сушки и подачи сырья в машину (сушилку), 7 видов стальных форм, дробилки и другое необходимое оборудование для переработки отходов. Запуск цеха дополнительно создал 7 новых рабочих мест.

В настоящее время этот производственный цех выпускает 6 видов SIP-арматуры: R-70, R-645, ES-1500, DN-1, RA-1500, SA-2000. Ведутся работы по его дальнейшему расширению и запуску производства других видов продукции.

В ходе выездного заседания также проанализирована организация работы АО «Ферганское ПТЭС» по подготовке проектно-сметной документации. Экспертами было отмечено важность строгой исполнительской дисциплины при подготовке проектно-сметной документации, от точности, экономичности и своевременности которой во многом зависит экономическая устойчивость всего предприятия, а также реализация намеченных планов и программ.

В конце хочется отметить, несмотря на эпидемиологическую ситуацию в стране, работа по подготовке к осенне-зимнему периоду ведется непрерывно и планомерно. Выполнение запланированных мероприятий позволит АО «Ферганское ПТЭС» обеспечить эксплуатацию объектов электросетевого имущества в штатном режиме, осуществив надежное, бесперебойное и качественное электроснабжение потребителей.

Дилфуза ХАБИБОВА,
корр. газеты
«O'zbekiston bunyodkori».

ТАРИХ ВА ШАХС

БАРХАНЛАР БАҒРИДАГИ ДУР


Истиқлол шарофати билан Қорақалпоғистон Республикасини ҳам бутун дунё танимоқда. Ислохотлар ташаббускори Шавкат Мирзиёев бу жойда бўлганида қорақалпоқ халқининг меҳнатсеварлиги ҳамда тарихига таъриф бераркан, бу юртининг замини нафақат имкониятларга бой, балки ўзига хос жуда катта тарихни қамраб олганини алоҳида таъкидлаганди.

Юртбошимизнинг Қорақалпоғистон Республикасини тарихига алоҳида эътибор қаратганича бор. Ҳақиқатдан ҳам бу ердан қанчадан-қанча елкаси ер кўрмаган полковлар, олим ва ижодкорлар, санъаткорлар ҳамда алломалар етишиб чиққан. Қорақалпоқ халқининг маънавият ва маданияти ҳам минг йилликларни ўзида қамраб олган. Бугунги кунда халқнинг ўтмиши ва маданий меросини ҳақли равишда дунё афкор оммаси қорақалпоқлардан ўрнаётгани бежизга эмас. Зеро, ҳар бир миллат ва элнинг ким ва қандайлигини бугун қилаётган ишлари-ю, ўтмиши ҳамда маданияти орқали кашф этиш энг тўғри йўлдир.

Мақола аввалида Қорақалпоғистон Республикасини жуда кўп давлатлар таниётгани эътибор этилганди. Гап шундаки, бугун республикамизга ташриф буруётган ҳар бир сайёҳ юртимизнинг бошқа жойлари қатори, албатта Нукус шаҳрида жойлашган Игорь Савицкий номидagi музейни кўрмасдан кетмайди. Чунки музейга кирган киши борки, ҳайратдан лол қолади. Дунё халқларининг эътиборини тортган бу улкан ҳазина бир пайтлар асоссиз равишда қатанга учраб, одамларни бебаҳо бойликдан бебаҳра қилганди. Аммо олтин ҳар қанча ғуборларга чапланмасин, барибир зангламас экан. Мустақиллик келтирган экинлар шарофати билан бугун музей эшикларни қайта очилди, дунё халқлари уни ўрганишмоқда.

Ана шундай бебаҳо ҳазинани бизга ҳада этган Игорь Савицкий ким эди, деган ҳақли савол туғилиши табиий. У бутун ҳаётини илм-фан ва санъатга, хусусан, қорақалпоқ халқининг тарихи, маданиятини тадқиқ этишга бағишлаган фидойи инсон бўлган. 1915 йилда Киевда туғилиб, болалигидан расмчиликка қизиққан ва тасвирий санъат йўналишида бир қанча таълим масканларида ўқиган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида у ўқийётган Суриков номидagi расмчилик институти Самарқанд шаҳрига кўчирилди.

Юртимизга шу тариқа келган бўлажак олим унинг халқлари ва бой тарихига қизиқиш қолади. Орадан вақт ўтиб, уруш туғайча, ўз юртига қайтиб



кетади. Аммо Ўзбекистондаги қизиқли ишларни унга тинчлик бермайди. Шу боис бироз муддат ўтиб, ортга қайтади, аниқроғи, Қорақалпоғистонда қелади. Дастлаб, Хоразм археологик-этнографик экспедициясида, кейинчалик Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Қорақалпоғистондаги филиалида ишлади.

У киши қорақалпоқларнинг йўқолиб кетиш арафасидаги халқ амалий санъатини ўрганиб, уни сақлаб қолишга киришади. Шу сабабли, туман ва овуларда юриб, кўплаб тарихий аҳамиятга эга бўлган заргарлик, уй-рўзгор буюмлари, миллий либосларни тўплайди. Шунингдек, бу жараёнда тасвирий санъатни ҳам унутмайди, қорақалпоқ элининг тарихий обидалари, табиат манзаралари, халқнинг турмуш-тарзини рангтавсир асарларида муҳрлайди. Кейинроқ эса, яъни, 1966 йилда ўзи тўплаган осори атиқалар учун алоҳида музей ташкил қилди ҳамда уни бойитишга киришади.

Адабиёт ва санъат социалистик реализм йўналишига қаратилган ўша даврда бошқалар қаторида тасвирий санъатдаги авангард йўналиши ҳам шўроларнинг таъкибига учраб, Игорь Савицкийни «халқ душмани» дея айб-лашади. Шунга қарамай, изланувчан олим ўз йули ва шаштидан қайтмай, расмолар ҳамда уларнинг давомчи-

ларини қидириб, яратган асарларини топиб, кўргазмаларда намойиш этади. Натижада минглаб рус авангард ва поставангард асарлар тўпламини тайёрлашга эришади. Айтиш жоизки, бугунги кунда рус авангард расмолари асарлари сони бўйича Игорь Савицкий музейи машҳур Санкт-Петербург музейидан кейинги иккинчи ўринда туради.

Захматли меҳнатлар ҳеч қачон зое кетмаган. нинг эришган натижалари ва ташкил қилган коллекциялари у вафот этгандан бир йил кейин, яъни 1985 йилда тан олинади ҳамда ушбу музейга унинг номи берилди. Таъкидлаш ўринлики, собиқ тузум даврида мазкур музей минглаб тасвирий санъат асарларининг сақлаб қолинишига мустақам бошпана вазифасини ўтаган. Республикаимиз мустақиллиги шарофати ила «ёпиқ» деб ҳисобланган Нукус шаҳрининг эшикларини нафақат юртимиз, балки дунё халқлари учун ҳам очилди. Нисбатан четроқда, барханлар бағридан жой олган ушбу музей ноҳир ва бебаҳо асарларга иккинчи ҳаёт бағишлаши баробарида, барча миллат вакилларига тарих, маънавият ҳамда маданиятдан баҳраманд бўлишлари жиҳатидан дунёдаги кўплаб мамлакатлардан бири бўлиб қолганини эндиликда ҳеч ким инкор этмас экарак.

Мустақиллик халқимизга ҳар бир нарсани ўз номи билан аташга имкон берди. Шу даврга келиб мазкур санъат маскани ва уни халқимизга туҳфа қилган Игорь Савицкийга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Унинг ҳар бир асари ноёб дурдона сифатида қадрланмоқда. 2002 йилда эса Игорь Савицкий давлатимиз томонидан «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

Гап барханлар бағридаги дур ҳақида бораркан, яқин-яқинларга ҳада бу ерда сақланаётган осори атиқаларнинг атиги уч фоизининга намойиш этиш имкони бор эди. Чунки қачонлардир қурилган эски бино талаб даражасида эмасди. Давлатимиз бу масалага жиддий эътибор қаратган, махсус

лойиҳа бўйича салкам 50 млрд сўм маблағ сарфлиниб, музейнинг янги иккита биноси қуриб, фойдаланишга топширилди. Айни пайтда замонавий талабларга жавоб берадиган бу бинода кўргазмалар павильони, экспонатларни сақлаш заллари, реставрация устаноналари жойлашган бўлиб, барчаси ҳаво ҳароратини сақловчи махсус ускуналар билан жиҳозланган. Ташқи муҳандислик-коммуникация ишлари эса замонавий қилиб бажарилган.

Халқроқ матбуотчилар орасида ҳам барханлар бағрида жойлашган дур ва унда сақланаётган экспонатлар ҳақида эндиликда жуда кўп ижобий фикрлар билдирилмоқда. Шунингдек, Германия, Франция, Италия, АҚШ, Испания сингари ўнлаб давлатларда музей ҳақидаги кўргазмаларнинг ташкил этилиши унинг обрўини янада ошириш ҳамда бошқа халқларнинг ундан баҳраманд бўлишига муносиб ҳисса қўшаётди. Жорий йил бошларида эса Бунгари Британиядаги нашрлардан бири Сайёҳлар бориб кўриши лозим бўлган дунёдаги шаҳарлар орасида Нукус шаҳри ва унда жойлашган Игорь Савицкий номли музейни алоҳида қайд этиб ўтган.

Таъкидлаш керакики, буларнинг барчасига ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Бунинг тағамирда меҳнат, халқимизга хос бағрикенглик ва энг муҳими, мустақилликнинг бетакрор неъматлари мужассам. Шу ўринда яна бир мулоҳаза, мазкур музей халқимиз учун, айниқса, қорақалпоғистонликлар учун янги очилган қўриқдир. Демак, юртин янада чуқурроқ кашф этиш, унинг ҳали ўрганилмаган осори атиқаларидан дунё халқларини баҳраманд қилиш ишлари бу жойдаги изланувчилар нигоҳи ва захматли меҳнатларидан четда қолмаслиги шубҳасиз. Зеро, биз шаяётган давр изланишлар ва ташаббуслар кўрсатадиган давр бўлиб, бунинг учун ҳар томонлама шароитлар етарлидир.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
Иштирокидаги газетаси
Строитель Узбекистана

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

Бош директор – Дилшод Жалолов

Тахрир хайъати:
Батир Закиров (Тахрир хайъати раиси),
Козим Тўлаев, Эркин Исқандаров, Ботир Зарипов,
Юлдаш Мағрулов, Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

Тахририят:
Бош муҳаррир
Бош муҳаррир ўринбосари
Саҳифаловчи
Мусоҳиҳ

Дилшод Жалолов
Абдусами Ҳақбердиев
Акmal Махкамов
Райхон Таниқулова

«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Узсанотқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАЗШКЛИТИ» ДУК, «УзшахарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангментЛИТИ» ДУК.

Тахририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (қўлиёб), 71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbyudokor@mail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Андижон, Наманган ва
Фарғона вилоятлари бўйича: 90-278-95-87.
Қорақалпоғистон Республикаси ва
Хоразм вилояти бўйича: 97-459-74-85.
Самарқанд вилояти бўйича: 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Бўйорتما – Г-953.
2136 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарк» нашриёт-матбаа ақшадорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Тўрон» кўчаси, 41.
Навбатчи муҳаррир – А. Ҳақбердиев.
Навбатчи – Б. Ғулямов.

ЎзА яқини – 02.00. Топширилди – 02.15.